

# SAMIMIY-AUDIT

Аудиторская организация

Адрес: г. Ташкент, 100185 г. Ташкент, прос-т Буёдкор 29, ИНН206 944 438  
Телефон: (97) 376-44-41, samimiy-audit@mail.ru

## МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«KOSONSOY PAXTA TOZALASH» AJ

Таъсисчилари ва раҳбариятига,

### Фикр

Биз «Kosonsoy paxta tozalash» AJнинг (кейинги ўринларда- «Корхона») 2022 йил 31декабрь ҳолатига бўлган Бухгалтерия баланси – (Форма №1) ва кўрсатилган санада Молиявий натижалар тўгрисидаги ҳисоботи – (Форма №2), шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисоботлар Корхонанинг 2022 йил 31декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган давр мобайнида унинг молиявий натижаларини барча муҳим жиҳатларда Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тўрисида»ги қонуни ва Бухгалтерия хисобининг миллий стандартлари (БХМС)га мувофиқ тўғри акс эттирилган.

### Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз корхонадан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро аҳлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профессионал бухгалтерлар учун аҳлоқ Кодекси” талабларига ва аҳлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли қонун хужжатларига, ҳамда БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларга амал қилганимиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

### Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги.

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тўрисида»ги қонуни ва Бухгалтерия хисобининг миллий стандартлари (БХМС)га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузуб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлигини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган аҳборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

## **Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги**

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳолосасида акс эттириш. Ақлли ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХСларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, мухим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал муроҳаза юритамиш ва профессионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз кўйидагиларни бажарамиз:

✓ фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиласиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида мухим бузиб кўрсатишларни топилмаслик риски хато туфайли мухим бузиб кўрсатишларни топилмаслик рискидан юқори, чунки фирибгар соҳталаштириш, қасдан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;

✓ корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиши мақсадида, аудитор Корхона ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;

✓ қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослиигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;

Бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ мухим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қиласиз. Агар биз мухим ноаниқликлар мавжуд деган ҳолосага келсак, аудит ҳолосасида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирмиз. Бизнинг аудит ҳолосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.

Биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган мухим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида мулоқот қиласиз.

Биз шунингдек Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча аҳлоқий талабларга риоя қилинганилиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг мухим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз.

«SAMIMIY-AUDIT» МЧЖ раҳбари



3.3. Эгамбердиев

«29» май 2023 йил.

Тошкент шаҳар, Бунёдкор шоҳ кўчаси 29